

Шерободда янги кўприк фойдаланишга топширилди



Бугун эса халқнинг азалий орзуси ушалди. Замонавий тарзда қурилган янги кўприк тантанали тадбир давомида фойдаланишга топширилди. Тадбирда туман ҳокимлиги, туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, туман маънавият ва маърифат бўлинмаси, туман ИИБ, ЙҚХБ вакиллари, қолаверса, маҳаллий аҳоли, нуронийлар ва бошқа алоқадор масъуллар иштирок этишди. Тадбир давомида сўзга чиққанлар янги кўприк халққа узоқ йиллар мобайнида самарали хизмат қилишини тилаб дуо қилишди.